

“КЕЛИШИЛГАН”
Янги тиббий техника кўмитаси раиси в.б.
Д.И. Пайзиев
И ва ЭК 2025 йил “ ”

ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА
Бризер АйрОкс, VP-M3 меш небулайзери бутловчилари билан



Бризер АйрОкс, VP-M3 меш небулайзерини танлаганингиз учун раҳмат.
Мосламани хавфсиз ва тўғри фойдаланиш учун ишлатишни бошлашдан олдин ушбу
йўриқномани ўқиб чиқинг.

МУНДАРАЖА

1. Хавфсизлик қоидалари
2. Мослама ҳақида умумий маълумот
3. Мосламанинг комплектацияси
4. Таркибий қисмлари
5. Қувват манбаини тайёрлаш
6. Терапевтик восита билан тўлдириш
7. Ингаляцияни ўтказиш
8. Мосламани тозалаш
9. Дезинфекциялаш
10. Небулайзер камерасини алмаштириш
11. Чекланган кафолат
12. Утилизация
13. Носозликларни бартараф этиш
14. Техник характеристикаси
15. Ишлаб чиқарувчининг қўлланмаси ва декларацияси
16. А1 Электромагнитли нурланиш
17. А2 Электромагнитли ҳалақитларга қаршилик
18. Носозлик юзага келгандаги ҳаракатлар

1. ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИ

Қуйида сизга ёки бошқалар учун хавф ва шикаст етказмаслик учун мосламани хавфсиз ва тўғри фойдаланиш чоралари келтирилган.



Огоҳлантириш

- Терапевтик эритма ҳақида кўрсатмалар, қарши кўрсатмалар, юзага келиши мумкин бўлган ножўя таъсирлар ва бошқа маълумотлар учун ушбу эритмани қўллаш бўйича кўрсатмаларга қаранг. Терапия учун воситанинг дозаси ва режими бўйича шифокорнинг кўрсатмаларига қатъий риоя қилинг.
- Мосламани сотиб олгандан кейин ёки узоқ вақт фойдаланилгандан кейин биринчи марта ишлатишдан олдин, небулайзер камерасини, ингаляцион ниқобни ва зағубникни тозалашни ва дезинфекциялашни унутманг (МОСЛАМАНИ ТОЗАЛАШ ва ДЕЗИНФЕКЦИЯ ҚИЛИШ бўлимларига қаранг), чунки у ерда инфекцияларга олиб келиши мумкин бўлган бактерияларни кўпайиши хавфи мавжуд.
- Ҳар фойдаланилгандан кейин небулайзер камерасини, ингаляцион ниқобини ва зағубникни тозаланг ва дезинфекция қилинг (МОСЛАМАНИ ТОЗАЛАШ ва ДЕЗИНФЕКЦИЯ ҚИЛИШ бўлимларига қаранг). Тозаланган ва дезинфекцияланган деталларни албатта қуритинг, уларни тоза жойда сақланг. Чунки инфекцияларга олиб келиши мумкин бўлган бактерияларни кўпайиши хавфи мавжуд.
- Ушбу мослама шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган. Бу бир неча фойдаланувчилар томонидан фойдаланиш учун мўлжалланмаган.
- Мосламани болалар ололмайдиган жойда сақланг. Улар кичик деталларни ютиб юбориши мумкин. Асосий блок шикастланиши ёки болаларга зарар етказилиши мумкин. Агар бола кичкина детални ютиб юборган бўлса, дарҳол шифокорга мурожаат этинг.
- Асосий мосламани ва USB кабелни (МОСЛАМАНИНГ КОМПЛЕКТАЦИЯСИ бўлимига қ.) сув билан ювманг. Уларни сувга ботирманг. Бу электр токини чиқиб кетишига, электр токи уриши ёки носозлик ва яроқсиз ҳолга олиб келиши мумкин.



Диққат!

- Ингаляция учун водопровод сувдан фойдаланманг, унинг таркиби терапевтик ёки профилактик эмас. Ингаляция учун водопровод сувидан фойдаланиш саломатликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин.
- Терапия учун эритмаларни асосий блокнинг корпусига тушишига йўл қўйманг. Агар терапевтик восита асосий блокка кирса, дарҳол уни тоза, қуруқ мато билан артиб ташланг. Нам мосламадан фойдаланиш носозликка ёки электр токи уришига олиб келиши мумкин.
- Тозалаш учун металл тўрға пахтали таёқчаларни ёки ингичка нарсаларни қўлланманг (ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ бўлимига қ.). Бу металл тўр шикастланишига ва ишдан чиқишига олиб келади.
- Асосий блок ва небулайзер камерасини тушиб кетишига йўл қўйманг ва кучли таъсирларга дучор қилманг. Улар шикастланиши, қўллаш учун яроқсиз ҳолга келиши ва фойдаланувчини электр токи уриши мумкин.
- Фақат Varo ишлаб чиқарувчи томонидан тақдим этилган USB кабелдан фойдаланинг.
- Шикастланган USB кабелдан фойдаланманг.

- Маҳсулотни қисмларга ажратиш, таъмирлаш ёки ўзгартиришга ҳаракат қилманг. Бу унинг шикастланишига ва ишламаслигига олиб келиши мумкин.
- Тиббий буюмни қўллаш бўйича йўриқномадаги кўрсатмаларга қатъий риоя қилинг,

2. МОСЛАМА ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

- Меш небулайзер Бризер АйрОкс, VP -М3 юқори ва пастки нафас йўлларининг ўткир ва сурункали яллиғланиши, астма, аллергия ва бошқалар каби нафас олиш тизими касалликларини даволаш ёки олдини олиш учун эритмаларни инҳалациялаш йўли билан етказиб бериш учун мўлжалланган.
- Мосламани ишлаш принципи. Ўз-ўзидан қўзғалувчан тебраниш контури таъсирида небулайзер камерасида жойлашган керамик пластиналар металл тўр билан биргаликда юқори тебраниш частотасида кетма-кет ҳаракатланади. Натижада, металл тўр микро тешикларидан оқиб чиқадиган суюқлик ингаляция учун яроқли аэрозол ҳосил қилиб чиқарилади ва пуркалади.

Белгилари	Тушунтириш
	Manufacturer/Ишлаб чиқарувчи
	Device includes a type BF applied part complying with IEC 60601-1/ Мослама IEC 60601-1 га мувофиқ BF типдаги детални сақлайди
	Indicates that separate collection for waste electric and electronic equipment (WEEE) is required/Электр ва электрон ускуналар чиқиндиларини (ЭЭУЧ) алоҳида йиғиш зарурлигини кўрсатади.
	Consult instructions for use/ Қўлланилиши бўйича йўриқномаси билан танишиш
	Date of manufacture/ Ишлаб чиқарилган санаси
партия 	Batch code/ Партия коди
	Temperature limit/ Ҳароратни чекланиши
	Humidity limitation/ Намликни чекланиши
	Atmospheric pressure limitation/ Атмосфера босимининг чекланиши


- Ушбу мослама астма, аллергия ва шунга ўхшаш респиратор касалликларини даволаш учун мўлжалланган.
- Мосламани ишлаш принципи. Ўз-ўзидан кўзгалувчан тебраниш контури таъсирида пуркагич бошчасида жойлашган керамик плиталар металл тўр билан биргаликда юқори тебраниш частотасида кетма-кет ҳаракатланади. Натижада, металл тўр микро тешикларидан оқиб чиқадиган суюқлик ингальяция учун яроқли аэрозол ҳосил қилиб чиқарилади ва пуркалади.

3. МОСЛАМАНИНГ БУТЛОВЧИЛАРИ


Илтимос, мосламанинг бутловчиларини текширинг.

Қуйида келтирилган таркибий қисмлар қутида бўлиши керак. Агар бирор бир таркибий қисмлар етишмаса, сотиб олинган дўконга ёки «Юрия-фарм» МЧЖ, Украина ваколатхонаси вакилига мурожаат этинг. Бутловчилари (оғиз найчаси, ингальяция ниқоби, небулайзер камераси)ни алоҳида сотиб олиш мумкин


1. Небулайзер камераси




2. Асосий блок




3. Загубник (оғиз найчаси)




4. Ишқорий батарейкалар




5. Ингальяцион ниқоб
(катталар учун)




6. Ингальяцион ниқоб
(болалар учун)



7. USB кабели




8. Сақлаш учун сумка (ихтиёрий)



Ишни бошлашдан олдин мосламани йиғиш керак.

Мосламани фойдаланишни бошлашдан олдин, илтимос ТАРКИБИЙ ҚИСМИ ва ҚУВВАТ МАНБАИНИ ТАЙЁРЛАШ бўлимларини ўқиб чиқинг ва уни йиғиш тартиби билан танишиб чиқинг.

4. ТАРКИБИЙ ҚИСМИ



- ① Небулайзер камерасининг қопқоғи
- ② Металл тўр
- ③ Электрод
- ④ Асосий блок
- ⑤ Қувват тугмаси
- ⑥ Небулайзер камерасини ечиш учун тугма
- ⑦ USB улагич қопқоғи
- ⑧ Батарея бўлинмасининг қопқоғи

5. ҚУВВАТ МАНБАИНИ ТАЙЁРЛАШ


Мосламанинг қувват манбаи бўлиши мумкин: батареялар, электр токи тармоғи, ёки USB кабели орқали уланган портатив ёки автомобилдан зарядловчи қурилма бўлиши мумкин.

- **USB кабелдан фойдаланиш**

Эътибор қилинг, USB кабелида 5 V (В) чиқиш кучланиши учун мўлжалланган Micro-USB улагичи мавжуд.

USB-кабелни расмда кўрсатилгандек, асосий блокка ва портатив зарядловчига (power bank) уланг.


Портатив зарядловчи мослама бутловчига киритилмаган.




- **Батарейларни ўрнатиш (AA тип)**

Шуни ёдда тутингки, мосламада аккумулятордан фойдаланиш мумкин эмас!


1. Батарея бўлинимасининг копкиғини очинг.



2. Батарейлардаги (AA тип) белгиларга мувофиқ тўғри кутбличка (+ и –) роя қилиб, батареяларни жойлаштиринг.



3. Батарея бўлинимасининг копкиғини ёпинг.



Батарейларнинг ишлаш муддати ва уларни алмаштириш

- Ишқорий батареялардан фойдаланганда мосламани ҳар куни 30 дақиқа давомида, тахминан 3 кун давомида ишлатилиши мумкин.
- Агар қувват тугмаси индикатори қизил рангда ёниб турса, демак, батареялар тез орада тугайди. Иккала батареяни ҳам янгилари билан алмаштиринг.


Умумий тавсиялар

- Кутблич (+ ва –) бузилиши бўлган батареяларни ўрнатиш тақиқланади.
- Зарядсизланган батареяларни дарҳол янгилари билан алмаштириш керак.
- Агар мослама узок вақт давомида ишлатилмаса (3 ой ёки ундан кўп), ундан батареяларни чиқариб олинг. Агар сиз батареяларни мослама ишлатилмайдиган муддатга қолдирсангиз, улардан электролитлар оқиб чиқиши мумкин, бу эса мосламани нотўғри ишлашига олиб келади.
- Мосламани ушбу қўллаш учун йўриқномада тавсия этилгандан бошқа батареялардан фойдаланманг. Янги ва олдинги ишлатилган батареяларни, шунингдек ҳар хил турдаги батареяларни биргаликда ишлатманг.

6. ТЕРАПЕВТИК ВОСИТА БИЛАН ТЎЛДИРИШ


Небулайзер камерасини очинг ва унинг ичига терапевтик эритмани қуйинг.

1. Небулайзер камерасини очинг.




2. Уни терапевтик эритма билан тўлдириш.

Расмда кўрсатилгандек терапевтик эритмани қуйинг. Небулайзер камерасининг максимал сиғими 8 мл (мл) ташкил этади.




3. Небулайзер камерасини маҳкам ёпинг.

Акс ҳолда, ишлатилганда терапевтик эритманинг томчилари ундан сачраб чиқиши мумкин.




Терапевтик эритма тўғридан-тўғри йиғилган мосламага ёки небулайзер камерасига алоҳида қуйилиши мумкин. Небулайзер камерасига терапевтик эритмани алоҳида қуйиш учун уни асосий блокдан чиқариб олинг ва ичига терапевтик эритмани қуйинг. Шундан сўнг, небулайзер камерасини маҳкам ёпинг ва уни асосий блокка ўрнатинг.


- Небулайзер камерасини қисмларга ажратиш.
- «PUSH» (босиш) сўзи билан кўрсатилган тугмани босинг.
- «PUSH» (босиш) тугмачасини босиб ушлаб туриб небулайзер камерасини чиқариб олинг.




- Небулайзер камерасини жойига ўрнатинг. Небулайзер камераси аниқ шилқ этган товуш билан маҳкамланади.



4. Ингаляцион ниқобни ёки оғиз найчасини ўрнатинг.



Ингаляция ниқобини ўрнатиш.




Оғиз найчасини ўрнатиш.



5 ёшгача бўлган болалар учун ингаляцион ниқобдан фойдаланинг. Загубникдан фойдаланиш болалар учун етарлича қийин, шунингдек, оғиз найчасини ёки бошқа кичик деталларни ютиб юбориш хавфи мавжуд.

7. ИНГАЛЯЦИЯНИ ЎТКАЗИШ

1. Асосий блокни қўлингиз билан ушлаб туриб, ингаляцияни бошланг.



- Агар небулайзер камерасининг бошининг ички юзасида терапевтик эритма ёки тупик кўп бўлса, қувватни ўчириб ва суюқликни тоза мато билан тўплаб олинг.



- Мосламани ишлаши вақтида металл товуш пайдо бўлиши мумкин, бу носозлик ҳисобланмайди.

2. Ингаляцияни тугатгандан сўнг, қувват тугмасини босиб небулайзерни ўчиринг.



Агар USB кабели қувват учун ишлатилса, уни портатив зарядловчи розеткадан чиқариб олинг (ҚУВВАТ МАНБАИНИ ТАЙЁРЛАШ бўлимига қаранг).

8. МОСЛАМАНИ ТОЗАЛАШ




Ишлатилгандан сўнг, албатта мосламани тозаланг ва сақлаш учун йиғиб қўйинг.

1. Ингаляцион ниқобни ёки зағубникни асосий блокдан, шунингдек небулайзер камерасидан ечиб олинг.




2. Небулайзер камерасини очинг ва удан терапевтик эритмани тўкиб ташланг.



3. Деталларни оқиб турган сувда яхшилаб ювинг.

- Ингаляцион ниқобни ёки оғиз найчасини, шунингдек небулайзер камерасини оқиб турган сувда ювинг.




- Агар терапевтик эритма юқори сирт фаоллигига ёки ёпишқоқлигига эга бўлса, масалан, солюбилизатор ёки балғам кўчирувчи восита, металл тўрни яхшилаб ювиб ташланг, чунки бундай воситалар кўпинча унинг устида қолади.
- Металл тўрга тўғридан-тўғри тегманг, акс холда у шикастланиб, яроқсиз ҳолга келиши мумкин.

4. Деталларни яхшилаб қуритинг

- Деталларни оқиб турган сувда ювгандан сўнг, дарҳол уни тоза, қуруқ мато билан артиб олинг ва яхшилаб қуритинг.


- Металл тўрни қуритиш табиий равишда амалга оширилиши керак.



Умумий тавсиялар: ҳеч қандай ҳолатда тўрдаги сувни кир матов а юнгли мато билан артманг. Металл тўрда қолган чанг ёки толалар пуркашни ёмонлаштириши мумкин.

5. Асосий модулдан чўкма ва суюқлик қолдиқларини артиб олинг.

Электродлар тоза ва қуруқ бўлиши керак.




6. Мослама йиғгандан сўнг, уни тоза жойда сақланг.

9. ДЕЗИНФЕКЦИЯ

Оғиз найчаси ва ингаляцион ниқоб фойдаланувчи билан бевосита алоқада бўлади, шунинг учун уларни тоза тутинг.

Оғиз найчаси ва ингаляцион ниқобни камида тозалаш учун 3 дақиқа давомида 75% тиббий спиртдан фойдаланинг, сўнг уларни қуритинг ва тоза жойда сақланг.



10. НЕБУЛАЙЗЕР КАМЕРАСИНИ АЛМАШТИРИШ

Одатда, небулайзер камерасидан тахминан 1 (бир) йил давомида фойдаланиш мумкин (агар уни кунига 30 дақиқа фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда). Бироқ, фойдаланиш шартларига қараб, сезиларли даражада камроқ бўлиши мумкин. Бундан ташқари, небулайзер суяқлик пуркашни тўлиқ ёки деярли бутунлай тўхтатиши мумкин. Бундай ҳолларда небулайзер камерасини алмаштириш керак.

11. ЧЕКЛАНГАН КАФОЛАТ

Бризер АйрОкс, VP-M3 меш небулайзер, индивидуал фойдаланиш учун мўлжалланган.

Небулайзердан тўғри фойдаланилса ва фойдаланиш қоидаларига риоя қилинса Небулайзерга 2 (икки) йил давомида кафолат беради.

Кафолат фақат компрессор (асосий блок) учун амал қилади ва небулайзер камерасига ва бошқа бутловчиларига тааллуқли эмас, чунки бутловчиларни ишлаш муддати уларнинг ишлаш интенсивлигига боғлиқ.

Небулайзер кафолати ҳақиқий эканлигини тасдиқлаш учун сиз сотиб олинган жойдан чек ёки кафолат талонини тақдим этишингиз керак.

Фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш қоидалари бузилган, шунингдек небулайзердан нотўғри фойдаланилган тақдирда кафолат бекор қилинади.

Шунингдек, мосламани ўз холингизча таъмирласангиз ёки конструкциясини ўзгартирсангиз у ҳолда ҳам кафолат бекор қилинади.

«Юрия-фарм» МЧЖнинг Украинадаги ишлаб чиқарувчиси ва ваколатхонасининг вакили небулайзердан фойдаланиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар ёки зарарлар учун жавобгар эмас.

Кафолат хизмати фақат юқоридаги ҳаракатлар билан чекланган. Бошқа ҳар қандай кафолат хизмати тақдим этилмайди.

12. УТИЛИЗАЦИЯ

Мослама ва унинг бутловчилари хавfli физиологик суяқликлар, инфекциян материаллар билан алоқа қилиши ва хизмат муддати давомида ифлосланиши мумкин. Шу сабабли, мосламани ва унинг бутловчи қисмини утилизация қилиш ёки ташишдан олдин зарарсизлантирилиши керак. Сиз атроф-муҳитни ҳимоя қилишга ёрдам беришингиз мумкин! Илтимос, маҳаллий қоидаларга риоя қилишни унутманг: ишламайдиган электр жиҳозларини тегишли чиқиндиларни утилизация қилиш марказига топширинг.

13. НОСОЗЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

Агар мосламадан фойдаланиш жараёнида бирор бир носозлик юзага келса, аввал қуйидагиларни текширинг.

Носозлик	Муаммо бўлиши мумкин	Носозликни бартараф этиш
-----------------	-----------------------------	---------------------------------

Хаддан ташқари пуркалиш даражаси паст	Батарейкалар зарядсизланган ёки ишдан чиққан	Батареяларни янгилари билан алмаштиринг (ҚУВВАТ МАНБАИНИ ТАЙЁРЛАШ бўлимига қаранг).
	Металл тўрда қоплама	Металл тўрни тозаланг (МОСЛАМАНИ ТОЗАЛАШ бўлимига қаранг). Агар муаммони айтиб ўтилган усул билан ҳал қила олмасангиз, таклиф этилган небулайзер камерасини янгисига алмаштиринг (НЕБУЛАЙЗЕР КАМЕРАСИНИ алмаштириш бўлимига қаранг).
Мослама суюқликни пуркамапти	Батареялар кутбланишнинг бузилиши билан ўрнатилган (+ ва –)	Батареяларни тўғри қутблик билан жойлаштиринг (ҚУВВАТ МАНБАИНИ ТАЙЁРЛАШ бўлимига қаранг).
	Батарейкалар зарядсизланган	Батареяларни янгисига алмаштиринг (ҚУВВАТ МАНБАИНИ ТАЙЁРЛАШ бўлимига қаранг).
	USB кабель нотўғри уланган	USB кабелни асосий блокдан ўчириш ва уни тўғри тарзда уланг (ҚУВВАТ МАНБАИНИ ТАЙЁРЛАШ бўлимига қаранг).
	Небулайзер камераси асосий блокка нотўғри ўрнатилган	Небулайзер камерасини асосий блокка тўғри тарзда жойлаштиринг (ТЕРАПЕВТИК ВОСИТА БИЛАН ТЎЛДИРИШ бўлимига қаранг)
Қувват тугмачасининг нури тўғри ишлайди, аммо мослама суюқликни пуркамайди	Метал тўр бутунлай занглаган	Небулайзер камерасини янгиси билан алмаштиринг (НЕБУЛАЙЗЕР КАМЕРАСИНИ АЛМАШТИРИШ бўлимига қаранг)
	Метал тўри шикастланган	Небулайзер камерасини янгиси билан алмаштиринг (ТЕРАПЕВТИК ВОСИТА БИЛАН ТЎЛДИРИШ бўлимига қаранг)
	Асосий блокни электродларида терапевтик эритма ёки сув тўпланган	Терапевтик эритмани ёки сувни бартараф этинг (МОСЛАМАНИ ТОЗАЛАШ бўлимига қаранг)
	Асосий блокдаги электрод занглаган	Зангни артиб ташланг (МОСЛАМАНИ ТОЗАЛАШ бўлимига қаранг)

Агар таърифланган амалларни бажарганингиздан сўнг мослама суюқликни тўғри пуркамаса, сотиб олинган дўконга ёки энг яқин VAPО дилери сотувчисига мурожаат қилинг.

14. ТЕХНИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Мосламани номи	Бризер АйрОкс, VP-M3 меш небулайзери
Модели	VP-M3
Қувват манбаи	АА типли Micro-USB (5 V (В)) 2 ишқорий батарейкалари 1,5 V (В)
Энергия сарфи	Тахминан 2 W (Вт)
Пуркаш даражаси	$\geq 0,20$ ml/min (мл/мин)
Заррачалар ўлчами	Масса медианаси аэродинамик диаметри тахминан 5 μ m (мкм)
Небулайзер камерасининг ҳажми	≤ 8 ml (мл)
Ўлчамлари (кенглиги х баландлиги х чуқурлиги)	46 × 110 × 60 mm (мм)
Массаси	Тахминан 90 g (г) (батарейкаларсиз)
Эксплуатация шароити	Ҳарорати: +10 °C дан +40 °C гача Ҳавонинг нисбий намлиги: 30 - 85% Атмосфера босими: 86 -106 kPa (кПа)
Ташиш ва сақлаш шароити	Ҳарорати: -20 °C дан +50 °C гача Ҳавонинг нисбий намлиги: 30 - 85% Атмосфера босими: 86 - 106 kPa (кПа)
Ифлосланиш даражаси	2 даражаси
Кучланиш тоифаси	II ТОИФАСИ
Денгиз сатҳидан баландлиги	≤ 2000 m (м)
Bluetooth	IEEE 802.15.1
Частоталар диапазони	2400,0–2483,5 MHz (МГц)
Максимал кучланиш ўтказгичи	1 (0) mW (dBm) (мВт (дБм))

Техник характеристикаси ва ташқи кўринишининг ўзгаришларини олдиндан огоҳлантирмаган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

15. КўРСАТМАЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

1. Ушбу мосламани ўрнатиш ва ишга тушириш **қўшимча ҳужжатлардаги** йўриқномаларга мувофиқ равишда амалга оширилади.
2. Тиббий электр жиҳозлари ва тиббий электр тизимларининг асосий хавфсизлиги ва асосий функционал хусусиятлари учун **ҳалақитларга қарши текшириш вақтида назорат даражаси асосий хавфсизлик** ва асосий функционал хусусиятларни тутиб туришнинг юқори эҳтимоли асосида танланиши керак. Улар профессионал тиббий муассасанинг шароитларига, уй шароитида тиббий-санитария ёрдам кўрсатиш ва тахминий фойдаланиш жойига кўра махсус шароитларга мос келиши керак.
3. **Уй шароитида тиббий-санитария ёрдам кўрсатиш** - бу пациентлар яшайдиган жойи ёки бошқа жойлар, профессионал тиббий муассасанинг атроф-муҳитидан ташқари, пациентлар

хузурида тиббий маълумотга эга ходимлар доимий равишда мавжуд бўлади. Бундай жойларга, масалан, мактаблар, очик жойлар, бинолар, транспорт воситалари, меҳмонхоналар ва пансионатлар киради.

МАСАЛАН: электр тиббиёт ускуналари учун IEC 60601-1-2:2014 стандартининг 6-жадвалида кўрсатилганидек, максимал чиқиш қуввати 2 W (Вт) бўлган одатий мобил телефон қаршилиги $d = 3,3 \text{ m}$ (м) ни 3 V/m (В/м) даражасини беради.

16. A1 электромагнитли халақитлар - БАРЧА УСКУНАЛАР ВА ТИЗИМЛАР УЧУН

Электромагнитли халақити бўйича кўрсатмалар ва ишлаб чиқарувчининг декларацияси		
«VP-M3» мосламаси қуйида таърифланган электромагнит шароитларда фойдаланиш учун мўлжалланган. «VP-M3» мосламани истеъмолчиси ёки фойдаланувчиси унинг эксплуатация учун қуйидаги шартларни таъминлаши керак		
Нурланиш учун текширув	Мувофиқ	Электромагнит мухит – кўрсатма
CISPR 11 стандартига мувофиқ радиочастота нурланиши	1 гуруҳ	Радиочастота энергияси «VP-M3» мосламасида фақат ички функцияларни бажариш учун ишлатилади. Шунинг учун радиочастота нурланиш даражаси жуда паст ва, эҳтимол, яқин атрофдаги электрон ускуналарнинг ишлашига таъсир қила олмайди.
CISPR 11 стандартига мувофиқ радиочастота нурланиши	В синфи	«VP-M3» мосламаси барча муассасаларда фойдаланиш учун, турар-жой бинолари ва тўғридан-тўғри паст кучланишли коммунал тармоққа уланган муассасалардан ташқари, одамлар яшаши учун ишлатиладиган биноларни электр таъминоти учун жавоб беради
Гармоник компонентларининг эмиссияси, IEC 61000-3-2	А синфи	
Тебраниш эмиссияси колебаний / кучланишни милтираши, IEC 61000-3-3	Мос келади	

17. A2 электромагнитли халақитлар – уй шaroитларида тиббий-санитар хизматлар учун ишлатиладиган УСКУНАЛАР ВА ТИЗИМЛАР УЧУН

Ишлаб чиқарувчининг қўлланмаси ва декларацияси – электромагнит халақит- қаршилиги			
«VP-M3» мосламаси қуйида таърифланган электромагнит шaroитларда фойдаланиш учун мўлжалланган. «VP-M3» мосламасининг истеъмолчиси ёки фойдаланувчиси қуйидаги эксплуатация шaroитларини таъминлаши керак			
Халақит-қаршилигини текшириш	Текширув даражаси IEC 60601 стандартига мувофиқ равишда	Мувофиқлик даражаси	Электромагнит муҳитга нисбатан ҳолати
Электростатик зарядланиш, IEC 61000-4-2	±8 kV (кВ) (контактли) ±2 kV (кВ), ±4 kV (кВ), ±8 kV (кВ), ±15 kV (кВ) (ҳаволи)	±8 kV (кВ) (контактли) ±2 kV (кВ), ±4 kV (кВ), ±8 kV (кВ), ±15 kV (кВ) (ҳаволи)	Хонанинг поли ёғочли, бетонли ёки керамик плиткалар билан қопланган бўлиши керак. Агар пол синтетик материал билан қопланган бўлса, минимал нисбий намлик 30% бўлиши керак
Тез электр ўтиш жараёнлари ёки чакнашлар, IEC 61000-4-4	±2 kV (кВ) Электр таъминоти линиялари учун	±2 kV (кВ) Электр таъминоти линиялари учун	Электр таъминоти сифати тижорат ёки ички истеъмол талабларига жавоб бериши керак
Кучланишни отилиб чиқиши, IEC 61000-4-5	±1 kV (кВ) (фаза – фаза) ±2 kV (кВ) (фаза – ер)	±1 kV (кВ) (фаза – фаза) ±2 kV (кВ) (фаза – ер)	Электр таъминоти сифати тижорат ёки ички истеъмол талабларига жавоб бериши керак
Саноат частотасининг магнит майдонига қаршилик (50/60 Hz (Гц)), IEC 61000-4-8	30 A/m (А/м)	30 A/m (А/м)	Саноат частотаси магнит майдонининг хусусиятлари савдо ва тиббиёт муассасаларига қўйиладиган талабларга жавоб бериши керак
Электр таъминоти линияларида носозликлар, қисқа муддатли узилишлар ва кучланиш	0% UT; 0,5 цикли 0°, 45°, 90°, 135°, 180°, 225°, 270° ва 315° да	0% UT; 0,5 цикли 0°, 45°, 90°, 135°, 180°, 225°, 270° ва 315° да	Электр таъминоти сифати тижорат ёки ички истеъмол талабларига жавоб бериши керак. Агар «VP-M3» мосламасининг фойдаланувчиси электр

оғишлари, IEC 61000-4-11			таъминоти тўхтатилганда унинг узлуксиз ишлашига муҳтож бўлса, «VP-M3» мосламасини ишлаши учун узлуксиз қувват манбаи ёки батареялардан фойдаланиш тавсия этилади.
Кондуктив радиочастотали ҳалақитлар, IEC 61000-4-6	3 V (В) (ўртачаквадратик қиймати) от 150 kHz (кГц) до 80 MHz (МГц)	3 V (В) (ўртачаквадратик қиймати)	Ишлаб чиқарувчи хавфларни бошқаришга асосланиб минимал хавфсиз масофани қисқартириш имкониятини кўриб чиқиши ва ҳалақитга қарши текшириш вақтида камайтирилган минимал хавфсиз масофага мос келадиган юқори текширув даражаларидан фойдаланиши керак. Ҳалақитларга қаршилиқнинг юқори даражалари учун минимал бўшлиққа етказиб беришни қуйидаги тенглама ёрдамида ҳисобланади:
Радиочастота нурланиши, IEC 61000-4-3	10 V/m (В/м) 80 MHz (МГц) дан 2,7 GHz (ГГц) гача	10 V/m (В/м)	$E = \frac{6}{d} \sqrt{P}$ <p>Бу ерда P – <i>максимал қувват</i>, W (Вт); d – минимал бўшлиқларга етказиб бериш, m (м); E – электромагнитли ҳалақитларга қаршилиқ даражаси, V/m (В/м)</p>

18. НОСОЗЛИКЛАР ЮЗАГА КЕЛГАНДАГИ ҲАРАКАТЛАР

Маҳсулотга техник хизмат кўрсатиш фақат ишлаб чиқарувчи ёки ваколатли мутахассис компания томонидан амалга оширилиши керак.

Агар небулайзер нотўғри ишлаётган бўлса, илтимос, "НОСОЗЛИКНИ АНИҚЛАШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ" бўлими билан танишиб чиқинг. Агар жадвалдаги тавсияларга мувофиқ

муаммони мустақил равишда ҳал қила олмасангиз ёки маҳсулотнинг ишлаши ҳақида фикр-мулоҳазаларингиз бўлса, сизга унинг ишлаши бўйича маслаҳат керак бўлса ёки фикр-мулоҳаза қолдиришни истасангиз, қуйидаги усуллардан биридан фойдаланинг:

- 1) Электрон почта манзилига хат юборинг feedback@uf.ua;
- 2) Viber, Telegram ёки WhatsApp иловалари ёрдамида +38 (095) 275-33-01 рақамига матнли хабар юбориш;
- 3) +38 (095) 275-33-01 ёки +38 (0800) 401-771 рақамларига кўнғироқ қилинг (ушбу рақамларга кўнғироқлар операторингиз тарифларига мувофиқ тўланади).

Мурожаатга қуйидаги маълумотлар қўшилиши керак:

- тиббий буюмнинг серия рақами;
- носозлик тавсифи
- маҳсулотни ишлатиш учун масъул шахснинг исми ва фамилияси, жойлашган жойи (шаҳар, мамлакат), телефон, электрон почта (ихтиёрий).

Ишлаб чиқарувчининг номи ва манзили

VAPO Healthcare Co., LTD,
Southern unit of third floor, building B, No. 99 Yudai West Rd, High tech district, KunShan, Suzhou,
215301, Jiangsu, P.R. China.

Украинадаги ваколатхона вакили

«Юрия-фарм» МЧЖ, Украина, 03038, Киев ш., Н.Амосов кўч., 10.

Тел./факс: +38 (044) 246-83-83.

E-mail: uf@uf.ua.

www.uf.ua

Қўлланилиши бўйича йўриқноманинг охириг кўриб чиқилган санаси: 05.06.2024.

Версия: 02.

МОДЕЛИ	Бризер АйрОкс, VP-M3 меш небулайзери
Серия рақами	
Кафолат муддати	Сотиб олинган кундан бошлаб 2 йил
Продавец	<div style="border: 1px dashed black; width: 100%; height: 100%; display: flex; align-items: center; justify-content: center; padding: 20px;">Мухр учун жой</div>

Кафолатли хизмат кўрсатиш шартлари

- Кафолат фақат компрессор (асосий блок) га тегишли ва небулайзер камерасига ва бошқа таркибий қисмларига тааллуқли эмас, чунки бутловчиларининг ишлаш муддати уларнинг ишлаш интенсивлигига боғлиқ.
- Небулайзер кафолати ҳақиқий эканлигини тасдиқлаш учун сиз сотиш жойидан чекни ёки ушбу кафолат картасини тақдим этишингиз керак
- Фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш қоидалари бузилган, шунингдек небулайзердан нотўғри фойдаланилган тақдирда кафолат бекор қилинади.
- Шунингдек, кафолат ўз-ўзича таъмирлаш ёки қурилма конструкциясига ўзгартириш киритилган тақдирда бекор қилинади.
- Ишлаб чиқарувчи ва «Юрия-фарм» МЧЖ ваколатли вакили небулайзердан фойдаланиш натижасида юзага келиши мумкин оқибатлари ёки зарар учун жавобгар эмас.
- Кафолат хизмати фақат юқоридаги ҳаракатлар билан чекланган. Бошқа ҳар қандай кафолат хизмати тақдим этилмайди.